


Бандихон туманида 2020- 2021 йилларда амалга оширилган ишлар ҳамда яқин келажақда амалга ошириладиган ишлар

Image not found or type unknown



2020-2021 йиллар давомида, Бандихон туманида барча соҳалар бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

“Зевар” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 2 млрд 234 млн сўм бўлган 29-сонли умумтаълим мактабига 240 ўринли янги бино “Полвонтош” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 2 млрд 159 млн сўм бўлган 7-сонли умумтаълим мактабига 240 ўринли бино, “Баҳористон” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 2 млрд 458 млн сўм бўлган 90 ўринли Мактабгача таълим ташкилотини учун янги бино, “Бандихон” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 4 млрд 73 млн сўм бўлган 7-сонли ихтисослаштирилган мактабига 315 ўринли бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари

“Қалдирғоч” маҳалласи ҳудудидан 90 ўринли МТМ биносини реконструкция қилиш учун (2,864.3 млн.сўм) маблағ ажратилиб.ҳозирги кунда Ишлар 80 %га , “Бирдамлик маҳалласи ҳудудидан 120 ўринли МТМ биносини янгидан қуриш учун (2569.5 млрд.сўм). Ишлар 69 %га 240 ўринли 25 умумтаълим мактабини реконструкция ва мавжуд ўқув биносини мукамал таъмирлаш учун (3,319 млн. сўм,) маблағ ажратилиб . ҳозирги кунда қурилиш Ишлари 85 %га,“Сарой” МФЙда 4-сонли мактабни (264 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш ҳамда мавжуд биносини мукамал таъмирлаш учун(2925 млн.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 40 %га, Сарой” МФЙ Куба қишлоғида 4-сонли мактаб филиалини (120 ўринли қўшимча бино қуриш билан) реконструкция қилиш учун (2406 млн.сўм). маблағ ажратилиб ҳозирги кунда қурилиш Ишлари 35 %га бажарилган.

Бандихон ТТБ (туман марказий шифохонаси ҳудудида қабул диагностика, 15 ўринли ШТТЁБ ҳамда 20 ўринли терапия бўлимларини, ошхона, кирхона биноларини янгидан қуриш учун 12.229 млн.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 45 %га,“Сарой” МФЙдаги 50 қатновли туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг Ойбек филиалини мукамал таъмирлаш учун(1.102 млн.сўм). маблағ ажратилиб ҳозирги кунда қурилиш Ишлари 55 %га бажарилган.

Шунингдек келгусида,

“Бектепа”, “Пахтакор”, Сарой” ва “Гулбоғ” маҳаллалари ҳудудида

150 ўринли мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, “Бандихон” маҳалласи туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудидан 30 койкали юқумли касалликлар шифохонаси қуриш. Режалаштирилган.

Бандихон туманида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими учун лойиҳа қиймати 800 млн.сўмлик Маҳалла маркази биноси, “Бектепа” маҳалласи ҳудудида умумий қиймати 1100 млн сўм бўлган "Тоза ҳудуд" ДУК учун маъмурий бино ва автогараж ҳамда туман Туман Бандликка кўмаклашиш маркази учун 1 млрд. 350 млн сўмлик маъмурий биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда

Туман прокуратураси биносини қуриш учун (3.025 млрд.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 85 %га,Туман ИИБга маъмурий биносини қуриш учун(12.5 млрд.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 15 %га, Кадастрлар палатаси Бандихон туман филиалига маъмурий бино қуриш учун (1.7 млрд.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 15 %га,, “Бандихон” маҳалласи ҳудудидан 5 қаватли 30 хонадонли “Қишлоқ қурилиш инвест) турар жой объекти қурилмоқда. Ҳозирги кунда қурилиш Ишлари 25 %га,. Туман марказий кўчасининг қиёфасини яхшилаш учун 3.9 км саломатлик йўлакларини қуриш учун (4.8 млрд.сўм).маблағ ажратилиб ҳозирги кунда қурилиш Ишлари 35 %га бажарилган

Шунингдек келгусида Туман Мажбурий ижро бюроси маъмурий биносини қуриш режалаштирилган.

Бандихон туманида 2020 йилдан бугунги кунга қадар умумий қиймати 57 млрд 62 млн.сўм бўлган 76 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 437 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан:

2020 йилда умумий қиймати 29 млрд. 614 млн.сўм, бўлган 51 та лойиҳалар ишга туширилиб, 293 та янги иш ўринлари яратилди. Шундан Саноат соҳасида 16 та умумий қиймати 14 млрд. 882 млн. сўм бўлган лойиҳалар ҳисобига 93 та янги иш ўринлари,

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 10 та умумий қиймати 3 млрд 808 млн. сўм ҳисобига 124 та янги иш ўринлари,

Ҳизмат кўрсатиш соҳасида 25 та умумий қиймати 10 млрд 924 млн. сўм ҳисобига 76 та янги иш ўринлари яратилди.

Масалан: "Бахриддин нур" фермер хўжалиги томонидан 2 млрд 500 млн.сўмлик, 9 та янги иш ўрнига эга бўлган шебен ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси;

"Ориентал активите" МЧЖ томонидан 1 млрд.сўмлик, 10 та янги иш ўрнига эга бўлган шебен ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари ишга туширилди.

"Дилшод Дилёр" МЧЖнинг қиймати 5 млрд 500 млн.сўмга тенг бўлган Сиқилган газ қуйиш шахобчаси ишга туширилиши натижасида 12 та янги иш ўринлари яратилди.

"Қурбонмурод Ўрол" МЧЖ нинг Сиқилган газ қуйиш шахобчасини ташкил этиш лойиҳаси қиймати 4 млрд 800 млн.сўмни ташкил этиб, ишга тушиши натижасида 11 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг ўзида 1006 та субъектларга 25 млрд.830 млн.сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шундан "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури асосида 822 та лойиҳаларга 21 млрд. 877 млн.сўм, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 3 та 15.0 млрд.сўм, Ҳунармандчиликни ривожлантиришга 4 та 160 млн.сўм, Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури асосида 85 та 1 млрд 424 млн.сўм,, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш дастури йўналишида 92 та ёшларга 2 млрд 249 млн.сўм кредит маблағлари ажратилди.

Жорий йилнинг 1-2 июн кунлари Давлатимиз раҳбари сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Бандихон, Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандихон туманида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг бандлигини ва харид қобилиятини ошириш ҳамда муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, давлат органлари ва ташкилотларининг туман бўлинмаларига маъмурий бинолар қуриш ишларини 2021-2023 йилларда жадаллаштириш учун туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқилган.

Ушбу комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2021-2023 йилларда қиймати 880 млрд. 812 млн.сўмлик 345 та лойиҳалар ишга туширилиб, 7061 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилди.

Шундан саноат йўналишида қиймати 508 млрд.302 млн. сўмлик 17 та, хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати 64 млрд 889 млн. сўмлик 25 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 99 млрд 152 млн.сўмлик 28 та лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилди.

туманни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Дастур доирасида 2021 йилда 299.1 млрд сўмга тенг 17 та йирик ва ўрта инвестиция лойиҳаларини ишга туширилиши режалаштирилди.

Хусусан:

2021-2022 йилларга мўлжалланган йирик лойиҳалардан бири “Бандихон Агрокластер” МЧЖ томонидан қиймати 11 млн.долларга тенг бўлган, “пахта ҳамда буғдойни қайта ишлашни ташкил этиш” лойиҳасида ер майдонлари танлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳада 700 та янги иш ўринлари яратилади.

"Бест Гарден томорқа хизмати" МЧЖ-нинг “Томат пастаси ишлаб чиқариш, музлатгичли омборхона ҳамда томорқа хизматини ташкил этиш” лойиҳаси. Ушбу лойиҳанинг қиймати 10 млрд 560 млн.сўм бўлиб, 96 та янги иш ўринлари яратилади, шундан 60 нафар ёшлар ишга жойлаштирилади.

"Бойсун Керамзит Инвест" МЧЖ томонидан керамзит ишлаб чиқариш лойиҳаси қиймати 9 млрд 570 млн.сўм бўлиб, 34 та янги иш ўринлари яратилади.

"Тожинор Шўрчи" ХК томонидан сутни қайта ишлаш лойиҳаси. Ушбу лойиҳа қиймати 6 млрд 200 млн.сўм бўлиб, 15 та янги иш ўринлари яратилади.

"Бандихон флайинг фалкон" МЧЖ томонидан 45 млрд.сўмга 850 бошга мўлжалланган йирик қорамолчилик комплексини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа ишга тушиши натижасида 100 та янги иш ўринлари яратилади.

"BAHRIDDIN NUR" фермер хўжалиги томонидан 7млрд.сўмга йилига 600 минг бош парранда яъни 840 тонна парранда гўшти етиштиришга мўлжалланган Паррандачилик фабрикаси ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда Лойиҳа ишга тушиши натижасида 15 та янги иш ўринлари яратилади.

"Surxon Store Paper Grant" МЧЖ томонидан қиймати 112.0 млрд.сўм блган тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади.

Шунингдек 1 та ун ишлаб чиқариш, 1 та гипсакартон материаллари, 1 та қон ишлаб чиқариш ва 3 та шағал ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилади.

Бундан ташқари туманда саноат соҳасини ривожлантириш учун кичик саноат зоналари ташкил этиб, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи истиқболли лойиҳаларни жойлаштирилади.

"Бектепа", "Қудуқсой" ва "Бандихон" маҳаллаларида ташкил этилаётган 48.2 гектарлик кичик саноат зонасига салоҳиятли лойиҳа ташаббускорларини жойлаштириш ва зарур инфратузилма тармоқлари билан таъминланади.

Ушбу кичик саноат зонасида лойиҳа ташаббускорлари томонидан 164 та лойиҳаларни амалга ошириб, 305.4 млрд. сўмлик инвестициялар киритилиши ва бунинг натижасида 12 турдаги йиллик ишлаб чиқариш қуввати 142 млрд. сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда 410 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Қолаверса, ёшлар ўртасида тадбиркорликка қизиқиши ва уларни истакларини амалга ошириш мақсадида хар бир секторида "Ёшлар кичик саноат зоналари" ташкил қилиш орқали, янги тадбиркорлик субъектлари сони оширишни белгилаб олинган.

Бандихон туманида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

22 та маҳалла ҳудудидаги қишлоқларнинг архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш бўйича жами 15 млн 133,0 минг сўмлик, "Сарой" маҳалласинининг "Сарой" қишлоғида пиёдалар йўлаклари ва тунги ёритиш тизимини ўрнатиш учун (174.7 млн.сўм). маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 85 %га, "Сарой" маҳалласини "Куба" қишлоғида пиёдалар йўлаклари ва тунги ёритиш тизимини ўрнатиш учун (182.8 млн.сўм) маблағ ажратилиб қурилиш Ишлари 85 %га бажарилган. Жумладан;

Ички йўллари яхшилаш доирасида 17 та маҳаллада жами 73.8 кмга тупроқ йўлда шағал (55.5 км дастур доирасида 18,3 км хашар йўли билан) ҳамда Сарой қишлоғига 600 метрга асфалт ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Ичимлик суви таъминотини ва оқова сув тармоқларини яхшилаш бўйича 2 та қишлоқда жами 1 млн 093 минг. Сўмлик

(Сарой қишлоғи 7,4 км 537 млн. сўм, Куба қишлоғи 3,0 км 555 млн. сўм) ўзлаштирилиб 10,4 км тармоқ тортилиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Электр таъминотини яхшилаш бўйича 751 млн. сўмлик 3 та маҳаллаларда 6.9 км электр тармоқлари тортилди ва алмаштирилди, 6 та трансформатор алмаштирилди ва реконструкция қилинди, 53 та таянч устуналари янгидан ўрнатилди.

"Хўжаипок" маҳалласида 684.0 млн.сўм маблағлар эвазига

7.1 км ичимлик сув қувури тортиш ишлари тўлиқ якунланди. Манзилли Давлат дастури асосан қиймати 1 млрд 450 млн.сўм бўлган, давлат аҳамиятидаги 49.0 км, маҳаллий аҳамиятдаги 32 км йўллар жорий таъмирланди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси ҳашар йўли билан қиймати 1 млрд 910 млн.сўмлик 38.2 км ички тупроқли йўллар тош-шағал аралашмаси ётқизилиб таъмирланди.САРОЙ МФЙ йиғини учун давлат хусусий шерикчилик асосида янги бино қуриб берилди.

Бугунги кунда туманимизда 22 та мфй мавжуд бўлиб, аҳоли сони

77 минг 100 нафарни ташкил этади.

“Аёллар дафтари”га киритилган Хотин-қизлар 760 нафар (2 %)

□ 1-сектор 305 нафар

□ 2-сектор 123 нафар

□ 3-сектор 138 нафар

□ 4-сектор 194 нафар

Бугунги кунда 366 нафар аёлларнинг бандлигини таъминланди.

Бандлигини таъминлаш мақсадида 63 нафар аёлларга 1260 бош парранда, 53 нафар аёлларга тикув машинкаси, 52 нафар аёлларга Духовка, 19 нафар аёлларга инкубатор субсидия асосида берилди. Тадбиркорлик қилиш учун кредит олишда амалий ёрдам сўраганлар 111 нафар аёлларга умумий ҳисобда аёллар учун 2 млрд 254 млн сўм миқдорда маблағ ажратилди.